

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

606 Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Нефть маҳсулотларини улгуржи сотиш билан шуғулланувчи корхоналар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни амалга ошириш учун лицензия олиш тартиботларини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 50-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавнефтьгазинспекция» давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 30 ноябрь,
349-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 30 ноябрдаги 349-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш
тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил
28 июндаги 289-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарор 3-бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўздавнефтьгазинспекция»га Вазирлар Маҳкамасининг Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссиясининг ҳужжатларни қабул қилиш, лицензиялар бериш, лицензия битимини тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширувчи ишчи органи функциялари».

2. 1-иловада (Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом):

а) 5-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти (ке-

йинги ўринларда Департамент деб аталади)» сўзлари «Ўздавнефтгазинспекция» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 9, 10¹, 13-бандлардаги, 19-банднинг биринчи хатбошидаги, 20-банднинг биринчи ва ўнинчи хатбошидаги, 21-банднинг биринчи хатбошидаги, 23-банддаги, 24-банднинг иккинчи хатбошидаги, 26-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги, 27-банддаги, 29-банднинг биринчи хатбошидаги, 30-банднинг иккинчи хатбошидаги, 32-банднинг биринчи хатбошидаги, 33-банддаги, 34-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Департамент», «Департаментга», «Департаментнинг» сўзлари тегишли равишда «Ўздавнефтгазинспекция», «Ўздавнефтгазинспекция»га, «Ўздавнефтгаз-инспекция»нинг сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 10-бандда:

биринчи хатбошидаги «Департаментга» сўзи «Ўздавнефтгазинспекция»га сўзи билан алмаштирилсин;

«б» кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

«е» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«е) «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бўлинмасининг нефть омбори хўжалигининг саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. Хужжатлар лицензия талабгори томонидан «Ўздавнефтгазинспекция»га бевосита, олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси орқали ёки электрон шаклда етказиб берилади. Электрон шаклда тақдим этилган хужжатлар лицензия талабгорининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади»;

д) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. «Ўздавнефтгазинспекция» ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда хужжатларни кўриб чиқади, улар юзасидан эксперт хулосалар тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан биргаликда Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

«Ўздавнефтгазинспекция» эксперт хулосасини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг мутахассисларини жалб этиш ҳуқуқига эга.

Комиссия «Ўздавнефтгазинспекция»нинг таклифи олингандан сўнг 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарорнинг протоколи Комиссия раиси томонидан имзоланади.

Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин (ёзма тарзда ёки тасдиқловчи электрон рақамли имзо билан электрон шаклда);

е) Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш СХЕМАСИ

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Лицензия талабгори — юридик шахс	<p>1. Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда назарда тутилган рўйхатга мувофиқ лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди.</p> <p>2. Ҳужжатларни «Ўздавнефтегаз-инспекция»га бевосита, олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси орқали ёки электрон шаклда тақдим этади.</p>	Лицензия талабгорининг хоҳишига кўра
2-босқич	«Ўздавнефтегаз-инспекция»	<p>1. Лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар «Ўздавнефтегаз-инспекция»нинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси ҳужжатларни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).</p> <p>2. Хулоса тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан биргаликда тасдиқлаш учун Комиссияга киритади.</p> <p>3. Ҳужжатларни кўриб чиқади ва лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин ҳужжатлар лицензия талабгорлари томонидан қайта тақдим этилган тақдирда хулоса тайёрлайди.</p>	<p>1) иш тартибида ҳужжатларни қабул қилиш белгиланган кунда</p> <p>2) ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда</p> <p>3) ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин 6 кун мобайнида</p>
3-босқич	Комиссия	<p>1. «Ўздавнефтегаз-инспекция»нинг таклифни кўриб чиқади ва Комиссиянинг қарори протоколини тасдиқлайди.</p> <p>2. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси томонидан имзоланади.</p>	10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда (такроран кўриб чиқилганда — Комиссия қарори протоколи лойиҳаси тақдим этилгандан кейин 4 кун мобайнида)
4-босқич	«Ўздавнефтегаз-инспекция»	<p>1. Қабул қилинган қарор тўғрисида лицензия талабгорини ёзма равишда хабардор қилади. Лицензия беришга қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига лицензия битими лойиҳаси юборилади.</p> <p>2. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда лицензия талабгорига ёзма шаклда юборилади (топширилади).</p> <p>3. Реестрга тегишли ёзувни киритади.</p>	тегишли қарор қабул қилингандан кейин 3 кун мобайнида

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
5-босқич	Лицензиат	«Ўздавнефтогазинспекция»га лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этади ва лицензия битимини имзолайди. Ушбу шартлар бажарилмаган тақдирда Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.	лицензия беришга қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига юборилган пайтдан бошлаб уч ойдан кечикмай
	Лицензия талабгори	1. Лицензия бериш рад этилиши учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар бартараф этилган тақдирда ҳужжатлар такроран кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. 2. Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди. 3. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади.	лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддатда
6-босқич	«Ўздавнефтогазинспекция»	1. Лицензиат томонидан лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этилганда ва лицензия битими имзоланганда тегишли лицензия бланкаларини расмийлаштиради. 2. Лицензиатга лицензияни беради.	1) лицензия битими имзолангандан ва давлат божи тўлангандан кейин бир кун муддатда 2) лицензия имзолангандан кейин бир кун муддатда
7-босқич	Комиссия раиси	«Ўздавнефтогазинспекция» томонидан расмийлаштирилган лицензияларни имзолайди.	лицензия расмийлаштирилгандан кейин бир кун муддатда

».

3. 3-иловада:

а) иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) еттинчи хатбошидаги «Шодмонхўжаев Н.С. — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғиндан сақлаш бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари» сўзлари «Султонов А.А. — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғиндан сақлаш бош бошқармаси бўлими бошлиғининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

г) ўнинчи хатбошидаги «Рамазонов Н.С. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавнефтогазинспекция» бошлиғи» сўзлари «Акбарходжаев Л.Т. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавнефтогазинспекция» бошлиғи, комиссия котиби» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) ўн биринчи хатбошидаги «Ташмухамедов Х.Ф. — «Саноатконтехназорат» агентлиги бош директорининг ўринбосари» сўзлари «Юнусов А.Н. — «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.